

СИНФ СОАТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

Тулегенова Дилфузә Эргаш қизи.

Тошкент шаҳридаги Ёджу техника институти 4-курс тингловчиси

Аннотация: Мазкур мақола умумтаълим мактабларида синф соатларини жорий этишнинг назарий-методологик асосларига бағишиланган. Таълим тизимини тубдан лойиҳалаштириш бугунги замонавий таълимнинг энг долзарб вазифаси саналади. Умумтаълим мактабларида синф соатларини мазмунли ўтказиш, ўқувчиларни ижодкорликка ўргатиш, эркин фикрлашга ундаш ғоялари илгари сурилган. Ўқувчига танлаб ўқишини ўргатган ҳолда, уни китобхонликка жалб қилиш ва китобхонлик маданиятини ривожлантиришга бўлган эътиборни янада кучайтириш бугунги педагог кадрлардан жонбозликни талаб қиласди. Бунинг учун замонавий таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш, бадиий матн таҳлилини лойиҳалаштириш, матн таҳлилида бир ёки бир нечта ёндашувларни танлаш, таҳлил қилиш усулларига алоҳида эътибор бермоқ лозим.

Таянч сўзлар: матн, бадиий таҳлил, усул, ўрганиш, педагогик технология, имманент, контекст, изланиш, мафкура, маънавият.

Турли даражадаги (мактабгача таълим, бошланғич, ўрта, олий касбий таълим) ишлаб чиқариш ва таълим тизимининг ўзаро таъсирига бағишиланган кўпгина нашрлар мавжуд (масалан, А. Беляева; Кустова Ю.А., Шуберт Ю.Ф. ва Козлов А.В.; Матросова П.Г. ва бошқалар).

Ушбу нашрларда ҳамкорликнинг турли жиҳатлари бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Ишлаб чиқариш ва таълим тизими кўп ишларда номувофиқ объектлар сифатида кўриб чиқиласди. Шу билан бирга, ушбу мураккаб объектларнинг янги тизимга қўшилиши жиддий ўрганилмаган. Шу сабабли, саноатни ривожлантириш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, корхоналар ва ўқув муассасалари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлайдиган назарий ва услубий масалаларни ишлаб чиқиш долзарбдир.

Бир томондан, узлуксиз таълими тизими жамият субъекти сифатида фан, маданият ва таълимнинг маркази бўлиб хизмат қиласди.

Ушбу тизимда етакчи ўрин университетларга берилади. Бошқа томондан, касб-хунар таълими тизими иқтисодиёт субъекти ҳисобланади. У кадрлар тайёрлаш бўйича давлат буюртмаларини бажариш учун давлат ресурсларидан фойдаланади ва миллий иқтисодиётнинг техник ривожланишининг кафолати ҳисобланади.

XXI асрни «тезлик асри», «интеграция асри», «ахборот асри» деб аташади. Сху билан бирга уни «таълим асри» дейиш ҳам мумкин. Таълим ҳар қандай

давлатнинг энг муҳим ва устувор соҳасидир. Шу туфайли кўплаб ривожланган ва тез тараққий қилаётган мамлакатлар миллий таълим тизимини ривожлантиришни энг муҳим стратегик йўналиш сифатида белгилайдилар.

XXI асрда инсониятнинг олдида янги глобал муаммоларни ҳал қилиш вазифаси турибди. Бу дунё табиий ресурсларининг чексиз эмаслигини англаш, энергетик танглик, экологик муаммолар, инсониятни зарур ресурслар (озиковқат, саноат хом ашёси, энергия манбалари ва бошқалар) билан таъминлаш, инсон саломатлиги муаммолари, қашшоқлик муаммоси, саноат ривожланиши йўналишларининг ўзгариши, инсон ҳаётининг ижтимоий шароитини тубдан ўзгартириш, одамларнинг яшаш мухитини кенгайтириш, барча халқлар учун тинчликни таъминлаш, ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг кескин ўсишини тартибга солиш ва бошқалардир. XXI асрда таълим дунёдаги ушбу глобал муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилиши керак. Демак, замонавий таълим шахсни жамият аъзоси сифатида меҳнат фаолиятига тайёрлайди.

Бугун таълимнинг муқобил усуллари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бу дунёнинг истаган бурчагидан туриб онлайн тарзда маълумот олиш имконини беради. Бироқ олий маълумотли бўлишнинг ўзи йётарли эмас – ўкув юртини ҳам, мутахассисликни ҳам тўғри танлай билиш керак. Олий маълумот тўғрисидаги диплом аввалгидек юқори даромад ва мақомни таъминлаб бера олмаяпти. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, таълим давомида касбий лаёқатга эга бўлган шахслар тезроқ муваффақиятга эришадилар. Касбий лаёқат эса эгалланган билим, кўникмаларни малакага айлантириш ва аста-секин малакадан тажрибага, тажрибадан маҳоратга этишишдир.

Маълумки, синф соатлари ўқувчининг зарур билимларни эгаллаши учун имконият ва вақт реал ҳаётдагидан кўра кўпроқ бўлади. Агарда ўқиши даврида билим олиш сизнинг жуда кўп куч-ғайратингизни олаётган бўлса, сиз шу жараёнда ўз устингизда ишлаш ҳамда синф соатига вақтингиз етмаса, иш фаолиятини бошлаганингиздан кейин буларнинг ҳаммасига қаердан вақт топасиз? Модомики сиз мактабда ўқиши давридаёқ ўз устингизда ишламас экансиз, уни тугатгандан кейин бир неча йил ўтгач, ҳаётдан бутунлай орқада қолиб кетганингизни тушуниб қоласиз. Олий таълим муассасаси билим бермайди, у билимларни олишга ўргатади, деган фикр айни ҳақиқатдир. Олий таълимда талабага нимани ўрганиш ва қандай ўрганиш кераклиги ҳақида йўлланма берилади. Билимлар ҳажми эса талабанинг тиришқоқлигига боғлиқ. У ўзининг бўлажак касбини қанчалик севса, унинг билим олишга интилиши шунчалик кучли бўлади.

Бугун дунёда тахминан 200 минг ойли таълим муассасаси бор. Ҳар йили йирик эксперталар томонидан энг яхши университетлар рейтинги ўтказилади.

Ушбу рейтингда эгалланган ўринга қараб абитуриентлар қайси ойлі таълим муассасасига кириш ҳақида бош қотирадилар.

Замонавий синф соатлари ўқувчи-талабаларнинг эгаллаётган билимлари мустаҳкам бўлишига қаратилиши билан бир қаторда уларни ижодкор, изланувчан бўлишга, берилган билимларни қиёсий таҳлил қилишга ва улар асосида мустақил хулоса чиқаришга ўргатади.

Синф соатларида тил ўқитишининг янги технологияларига бағищланган ишларда, жумладан, соҳавий терминлар иштироқидаги тест топшириклари воситасида касбий нутқни шакллантириш; вазиятли ўйинлар, мультимедиа тақдимотлари ҳамда лойиҳали таълим технологияси ёрдамида касбий мулоқот юритишига ўргатиш; касбий вазиятлар акс этган видеоматериаллар орқали нутқ ўстириш; реклама воситасида талабаларни касбий мулоқотга йўналтириш; соҳавий матнлар орқали монологик нутқ тузишни ўргатиш масалалари тадқиқ қилинган.

Ўзбекистонлик олимлардан Р.Ниёзметова рус синфлари ва гуруҳларида синф соатларида адабий материалларни ўрганиш жараёнида ахборот технологияларини қўллаш методикасини ёритиб берган. С.Адилова томонидан рус гуруҳларида синф соатлари машғулотларни компьютер воситасида ташкил этишининг назарий асослари ишлаб чиқилган, айрим мавзулар бўйича электрон ишланмалар, электрон дарсликка киритилиши мумкин бўлган таълимий дастурлар сценарийлари ва лойиҳаси тузилган. Н.Умарова электрон таълимий ишланмалар ёрдамида талабаларининг синф соатларида ўзбекча ёзма нутқини ўстириш тамойиллари, мазмуни ва усуллари, таълимда мультимедиа ва слайдлар туркуми, Интернетдан фойдаланиш масалаларини ўрганганди.

Синф соатларида ўқувчиларнинг турли хил вазиятларда оғзаки касбий мулоқотни амалга ошириш қобилиятини ривожлантириш давлат тили таълимининг асосий мақсади ҳисобланади. Ушбу мақсадда ўзбек тилидан амалдаги дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда қисқа суҳбат матнлари ва боғланишли матнлар юзасидан савол-жавоблар асосида амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, асосан, матн устида ишлаш, муайян мавзу бўйича (ижтимоий йўналишдаги олий таълим муассасаларида турли ижтимоий мавзуларга оид, иқтисодий, хуқуқий ҳамда техник йўналишларда эса мутахассисликка оид) матн тузишга оид топшириклар берилган. Бундай топшириклар, одатда, матн мазмунига оид саволларга жавоб беринг, матндан муайян грамматик шаклларни топинг каби топшириклардан иборат бўлиб, талабаларнинг боғланишли нутқ малакаларини ривожлантириш, оғзаки нутқини шакллантириш, лугат захирасини бойитиш учун етарли эмас.

Амалда рус гуруҳларида асосан диалогик нутққа кўпроқ эътибор қаратиб келинаётганини таъкидлаш мумкин. Монологик нутқ қўринишлари эса факат

мактаб, коллеж, олий таълим дарсликлариға киритилган ижтимоий мавзулар доирасидагина шакллантирилмоқда. Айнан касбий соҳада монологик нутқни ривожлантиришга ўқув адабиётларида алоҳида эътибор қаратилмаган.

Шу билан бирга, рус гурухларда ўзбек тили таълимида асосан тайёр матнларни лингвистик таҳлил қилиш, таржима қилиш методларидан фойдаланиб келингандиги маълум. Бироқ ўзбек тили машғулотларининг бугунги кундаги ҳолати касбий нутқни шакллантиришда фақатгина матнларнинг мазмунини ўрганиш ва айрим соҳавий терминлардан кундалик фаолиятда фойдаланишининг ўзи самара бермаслигини тасдиқламоқда. Давлат тилини ўқитишида коммуникатив тамойил асосида таълим методлари оғзаки сўзлашув услубини ривожлантиришга қаратилган ҳолда, ёзма нутқ билан узвий боғлиқ бўлган расмий оғзаки мулоқот турига етарли эътибор берилмади. Мулоқотнинг айнан шу тури мутахассиснинг касбий лаёқатида муҳим ўрин тутади.

Монологик нутқ

Ўз фикрини аниқ ва мантиқли ифодалаш

Иш фаолиятига доир тушунтиришлар ва тавсиялар олиш учун раҳбариятга мурожаат қилиш

Фуқароларга маслаҳатлар бериш, ариза ва мурожаатларга жавоблар тайёрлаш

Касбий мулоқотнинг мураккаб вазиятларида ҳистийғуларни бошқара олиш

Лиалогик нутқ

Ташкилот ичида ва ташқарисида алоқалар ҳамда мұносабатлар

Самарали ахборот алмашиш

Музокаралар олиб бориш, ўз нүктай назарини асослаш ҳамда мақбул ечимларни излаб топиш

Жамоада низоларнинг олдини олиш ёки уларни бартараф қилишга доир хизмат мұносабатларини ўрнатиш

асбий

155

**Талабаларнинг боғланишили нутқини шакллантириш босқичлари
ва машқлар турлари**

Босқичлар	Машқ мақсади	Машқ турлари
A – Илк босқич (нутққа тайёрлов)	1. Эшишиш ва кўриш воситасида билиб олиш.	1.Эшишиш ёки кўриш. 2.Эшишиш ва такрорлаш. 3.Эшишиш орқали таянч сўз ва ибораларни танлаш.
	2. Ўқиш ва кўриш воситасида билиб олиш.	4. Эшишиш ёки кўриш жараёнида ёзиб олиш. 5. Ўқиш ва такрорлаш. 6. Ўқиш жараёнида ёзиб бориш.
Б – Ўрта босқич (нутққача бўлган машқлар)	3. Матнни шакллантириш (оғзаки ёки ёзма).	7. Бирламчи таянч сўзларни жойлаштириш. 8. Иккиласмчи воситалар ёрдамида матнни кенгайтириш. 9. Материалларни ёзма жойлаштириш. 10.Сўз ва сўз шаклларини танлаш, муқобиллари билан алмаштириш. 11. Матнни оғзаки таҳрир қилиш. 12. Матнни ёзма таҳрир қилиш. 13. Матнни оғзаки сўзлаб бериш. 14. Матнни ижодий сўзлаш. 15. Тил воситаларини тартиблаш.
	4. Нутқни қолипга солиш.	16. Гапларни нутқий қолипларга солиш. 17. Гапларнинг таркибий қисмларини жойлаштириш. 18. Гапларни ўз ўрнига жойлаштириш. 19. Матнни қисқартириш ёки кенгайтириш.
В – Юқори босқич (нутқ жараёни)	5. Нутқни сўзлаш.	20. Матнни ўқиш ва сўзлаб бериш. 21. Таянч сўзлар воситасида гапириш. 22. Матнни режа асосда гапириш.

		23. Матнни қисқартириб гапириш. 24. Матнни түлиқ гапириб бериш.
--	--	--

Бунда машқлар турларини босқичма-босқич изчилиқда қуидагида үтказиш тавсия қилинади:

А. Илк – нутққа тайёрлов босқичида күзда тутилган 7 та машқда әшитиш ёки қўриш, имитация ва ўқиши кўникмаларини ҳосил қилиш юзасидан маҳсус ишлар олиб борилиши назарда тутилади. Бунда айниқса әшитиш кўникмасига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Тилни ўрганиш жараёнидаги энг қийин муаммо шу тилдаги матнни әшитиш орқали тушуниш ва мустақил жавоб бериш ҳисобланади. Гапириш ва әшитиш бир-бири билан узвий боғлиқ ҳодисалардир. Оғзаки мулоқот сұхбатдош нутқини бевосита әшитиш ва тушунган ҳолда унга жавоб беришдан иборат бўлиб, мазкур жараёнда сұхбатдошларнинг ҳар бири ҳам тингловчи, ҳам сўзловчи вазифасини бажаради. Шу боис оғзаки монологик нутқни ўстиришда нутққа тайёрлов машқларида әшитишга ўргатиш машқлари муҳим ўрин тутади. Бунда, айниқса, аудиоматнлардан фойдаланиш катта самара беради.

Әшитишга ўргатиш машқларини матнни қабул қилишга тайёрлаш, аудиоматнни тинглаб қабул қилиш, әшитилган матн асосида үтказиладиган машқлар гурухига бўлиш мумкин.

1-гуруҳ машқлари матнни әшитишга тайёрлов машқларининг мақсади талабаларни қизиқтириш, аутентик матнларни қабул қилиш ва тушуниш билан боғлиқ лингвистик ва психологияк қийинчилекларни бартараф қилиш, матнда берилаётган касбий мавзу соҳасида талабалар эга бўлган нутқий ва ҳаётий тажрибани ишга солиш ҳамда ахборотни, унинг таркиби ва мазмунини яхши эслаб қолиш учун йўналишлар беришдан иборат бўлиши лозим.

Бунинг учун ўқитувчи талабаларга:

- қандай матнни әшитиш ҳақида хабар бериши;
- аудиоматнда учрайдиган нотаниш сўзлар ва соҳавий терминлар маъносини тушунтириши;
- калит сўзлар, жумлалар ва нутқий қолипларни бериши;
- матннинг асосий мазмунини 1-2 жумла билан ифодалashi;
- аудиоматннинг қисқа, соддалаштирилган вариантини бериш;
- әшиттириладиган матн мавзуси, мазмуни бўйича асосий тушунчалар режасини бериши мумкин.

Маълумки, әшитиш машқлари тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантиради ва, айни пайтда, талабаларда тинглаб тушунгандарини сўзлаб бериш кўникмаларини ҳосил қилишга ҳам замин тайёрлайди. Афсуски, ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитишда машғулотларда әшитиш машқларидан

кўп фойдаланилмайди. Мазкур ҳолат, кўпинча, русийзабон ўқувчи-талабаларнинг тил мухитида яшаётганлиги билан изоҳланади. Бироқ, ўқув машғулотларида тинглаб тушуниш бўйича маҳсус машқлар олиб борилмаслиги ўқувчи-талабаларда эшитганларини мустақил сўзлаб бериш кўникмаларининг шаклланмаслигига олиб келди. Бизнингча, рус гуруҳлари талабаларини оғзаки монологик нутқقا ўргатишда нутқقا тайёрлов босқичига, хусусан, тинглаб тушуниш кўникмаларини шакллантиришга эътиборни кучайтириш ниҳоятда зарур.

2-гуруҳ машқлари матнни эшлиши жараёнидан иборат бўлиб, бунда ўқитувчи аввалдан коммуникатив вазифани белгилаб олиши, яъни матн нима мақсадда эшиттирилаётганлиги, талабалар матнни қандай тинглашлари кераклиги, матн мазмунини тушуниш жараёни қандай кечишини аниқ режалаштириши керак бўлади. Бу матндаги асосий ва қўшимча ахборотларни ажратади олиш кўникмаларининг шаклланишига олиб келади. Матнни эшлишнинг илк босқичида талабаларга матннинг асосий мазмунини тушуниш ёки керакли ахборотни аниқлаш юзасидан машқлар бажартириш мақсадга мувофиқ. Бунда фикрларни жамлаб олиш, хотирада сақлашга қаратилган калит сўзлар ва жумлаларни қайд қилиб бориш; аудиоматнинг зарур ўринларини ёзиди бориш каби машқлар талабаларнинг ўз фикрини оғзаки ифодалашида таянч бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, иккинчи тил таълимидан эшлиши машқлари жараёнида матннинг босма вариантига таяниш ҳам самарали натижалар беради. Бундай усул матн мазмунини тушунишни енгиллаштиради, матнни яхши эслаб қолиш ва тез ўзлаштирилишини таъминлайди.

3-гуруҳ машқлари талабаларда аудиоматнадаги ахборотни у ёки бу даражада изоҳлаш, шарҳлаш, таҳлил қилиш билим ва кўникмаларини ривожлантиришга ва матн мазмунини ўзлаштиришга қаратилади. Машқларнинг бу гурухи:

- матнни қисмларга бўлиб гапириб бериш;
- матнни давом эттириш;
- талаба учун янги, аҳамиятли, қизиқарли ёки 2-даражали, мухим бўлмаган, қизиқарли бўлмаган нарсаларни изоҳлаш;
- калит сўзлар ёки жумлаларга таяниб воқеа, ходиса, қаҳрамонлар хатти-харакатларини баҳолаш;
- эшлиши жараёнида тўлдирилган жадвал, чизмаларга асосланиб саволларга жавоб бериш;
- матн мазмунига мос сарлавҳа танлаш ва сарлавҳани изоҳлаш каби топшириқларни ўз ичига олади.

Б. Ўрта босқич – ташқи нутқача бўлган гапиришга ўргатиш машқларидан иборат бўлиб, у 2 гуруҳга бўлинади.

1-гуруҳда боғланишли матн тузиш кўникмаси қўйидагича шакллантирилади:

- сўз ва сўз шакллари муқобилларидан фойдаланиб, материалларни ёзма жойлаштириш;
- аввал бирламчи таянч сўзлар воситасида, сўнгра иккиламчи воситалар ёрдамида матнни кенгайтириш;
- матнни оғзаки, сўнгра ёзма таҳрир қилиш;
- матнни аввал айнан ўзгаришсиз сўзлаб бериш, сўнгра ижодий сўзлаб беришни ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Ташқи нутқача бўлган машқларнинг 2-гуруҳида нутқни тузиш, муайян қолипга солиш вазифаси амалга оширилади. Бу кўникма:

- тил воситаларини тартиблаш ва гапларни нутқий қолипларга мувофиқлаштириш;
- гапларнинг таркибидаги сўз бирикмаларини жойлаштириш;
- матнни қисқартириш ёки кенгайтириш воситасида шакллантирилади.

В. Юқори босқич – ташқи нутқ, яъни нутқни сўзлаш жараёнидан иборат бўлиб, бунинг учун қўйидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга қаратилган машқлар бажартирилиши кўзда тутилади:

- матнни таянч сўзлар воситасида сўзлаб бериш;
- матнни режа асосида гапириш;
- матнни қисқартириб гапириш;
- матнни тўлиқ гапириб бериш ва ҳ.з.

Мазкур синф соатларида қўллашда матн мазмуни, ҳажми ва матндан кўзда тутилган мақсадга, нутқ вазияти, сўзловчининг ҳолатига, шунингдек, аудитория имкониятига боғлиқ ҳолда турли топшириқлардан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун талабаларни ўзбек тилида боғланишли нутқ тузишга ўргатиш ва оғзаки монологик нутқини шакллантиришга қаратилган 4 туркумдаги топшириқларни босқичма-босқич бажартириш мақсадга мувофиқдир. Боғланишли матнлар юзасидан шу каби топшириқлар устида иш олиб бориш талабаларнинг матн мазмунини тинглаб тушуниш малакалари шаклланишига, яъни матн мазмунини тўлиқ ўзлаштириш, матнни тушунган ҳолда гапириш малакасини шакллантиришга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Абдураҳмонова М., Аббосова Г. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асалари асосида ўзбек тилидан нутқ ўстириш бўйича қўлланма. – Т.: ЖИДУ, 2009. – 56 б.
2. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиши назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан, 2009. – 146 б.

3. Абдуқодиров А.А., Астанова Ф.А., Абдуқодирова Ф.А. “Case-study” услуби: Назария, амалиёт ва тажриба. – Т.: Тафаккур қаноти, 2012. – 132 б.
4. Авазов Н. Хонликлар даврида солиқ тизими <http://www.e-tarix.uz/vatan-tarixi/690-maqola.html>
5. Азимов, Э.Г., Щукин, А.Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам).–Москва: ИКАР, 2009.–448 с.
6. Азимова Ҳ.И., Файзуллаева Ш.М., Балтабаева Г.И., Азимова У.А. Ёзув техникаси ва оғзаки нутқ / Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2014. – 242 б.
7. Акобиров С.Ф. Тил ва терминология. – Т.: Ўзбекистон КП МК нашриёти, 1968. – 40 б.
8. Аминов М., Мадвалиев А., Махкамов Н., Маҳмудов Н. Иш юритиш/ амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2014. – 456 б.
9. Арабско-русский словарь. – Т.: Камалак, том 1, 1994. – 456 с., том 2, 1994.– 484 с.